

N 177

27.12.2016

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси  
раисининг биринчи муовини  
Географик объектларга ном бериш  
ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги  
таклифларни давлат экспертизасидан  
ўтказиш эксперт комиссияси раиси  
Т.М.Абдуллаев  
2016 йил \_\_\_\_\_ декабрь



**Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш  
тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича  
Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг  
эксперт комиссиясининг йиғилиш  
БАЁНИ**

2016 йил “\_\_\_” декабрь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи :**

Т.М.Абдуллаев  
“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси  
раисининг биринчи муовини,  
эксперт комиссияси раиси

**Қатнашдилар:**

Комиссия аъзолари, тизимда фаолият  
юритаётган мутахассислар, таклиф  
қилинган олимлар (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Жиззах вилояти хокимлигининг Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасига Жиззах вилоятидаги Жиззах тумани номини  
Шароф Рашидов номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи муҳокамаси**

(Т.Абдуллаев, И.Эргешов, Ш.Алиходжаева, Г.Саидхонова,  
Ш.Тожиева, Г.Гаппорова, Т.Энназаров, О.Бўриев ва бошқалар)

Йиғилишни “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг биринчи  
муовини, эксперт комиссияси раиси Т.М.Абдуллаев очиб берди, унда  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшлар сиёсати,  
маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-  
таҳлил департаменти томонидан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасига

Жиззах вилояти ҳокимлигидан Жиззах тумани номини Шароф Рашидов номига ўзгартириш тўғрисида киритган таклифи кўриб чиқилди.

Бунда, Жиззах туманида туғилиб ўсган, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшган, атоқли давлат арбоби, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, таниқли ёзувчи, халқимизнинг буюк фарзанди Шароф Рашидов томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида гапирди.

Раислик қилувчи ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистоннинг равнақи учун бор кучини аямаган, диёримизни дунёга танитган, халқ меҳрини қозона олган инсон - Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар сарасига киришини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, халқимизнинг буюк фарзанди Ш.Рашидов номини абадийлаштириш мақсадида кенг жамоатчилик, хусусан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Жиззах туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва туман ҳокимлигининг Жиззах тумани номини Шароф Рашидов номига ўзгартириш тўғрисидаги илтимоснома ва мурожаатларини ўқиб эшиттирди.

Юқорида баён этилганлардан ва тақдим этилган маълумотлар таҳлили ҳамда кенг жамоатчиликнинг таклифларини кўриб чиқиб, йиғилиш

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиззах тумани номини Шароф Рашидов номига ўзгартириш юзасидан киритилган таклиф маъқуллансин.
2. Эксперт комиссияси котиби белгиланган тартибда Экспертиза хулосаси тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

Йиғилиш котиби

 Ш.Тожиева



**Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш  
тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш  
бўйича Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат  
қўмитасининг эксперт комиссияси аъзолари**


Геодезия ва картография миллий  
маркази Республика топонимика  
хизмати бошлиғи в.в.б.

  
Ш.Тожиева

Геодезия ва картография миллий  
маркази Республика топонимика  
хизмати бош мутахассиси

  
Г.Саидхонова

Геодезия ва картография миллий  
маркази Республика топонимика  
хизмати етакчи мутахассиси

  
Г.Гаппорова